

## 2 – масала

### “Институтда инновация ва интеграция бўйича олиб борилган ишлар”ги масала бўйича Илмий кенгашнинг 2012 йил 6 сентябр 1/2-сонли ҚАРОРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июльдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”га ПҚ-916 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 29 мартдаги 20-сон мажлиси баёни 1.17 бандида белгиланган топшириқлар асосида 2010 йил 17 апрелдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат йиғилишининг 3/2-сон ҳамда 2010 йил 25 декабрдаги 13/2-сон қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, мақсадида Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институтида тегишли соҳалар билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган:

1. Институтда 2012 йил август ҳолатида **18 та** кафедрада **27 та** инновацион гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳларга **297 нафар киши** жалб этилган бўлиб, ундан **101** нафар профессор ўқитувчи, **65** нафар корхона вакиллари, **8** нафар катта илмий ходим-изланувчи, **16** нафар стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, **30** нафар магистр ва **77** нафар иқтидорли талабалардан иборат.
  2. Мавжуд 27 та инновацион гуруҳ томонидан корхоналарнинг 103 та илмий технологик муаммолари ўрганилиб улар билан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Корхоналар илмий-технологик муаммолари асосида йўлга қўйилган ИТИлари сони **204 та** бўлиб, шулардан **35 та** курс иши, **105 та** битирув малакавий иши, **31 та** магистрлик диссертациялари, **20 та** номзодлик диссертациялари, **8 та** докторлик диссертациялари ва **5 та** хўжалик шартномалари тузилган.
  3. Институт билан асосан қурилиш, архитектура, экология, сув ва газ таъминоти, геодезия, кадастр ва бошқа соҳаларга оид корхоналар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.
  4. Институтда мавжуд 14 дан ортиқ корхоналар билан 5 та хўжалик шартномалари асосида 27 та илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, жами **97 миллион сўм** маблағ тушумлари амалга оширилган.
  5. Институт профессор-ўқитувчилар томонидан 2 та амалий илмий лойиҳаларнинг бажарилмоқда ва 2012 йилда ушбу лойиҳаларга **88 миллион сўм** маблағ ажратилган.
  6. 2012 йил инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар V Республика Ярмаркасида институт томонидан 1 та ишланма намойиш этилди, **аммо шартномалар тузилмади.**
  7. Институт кафедраларида тузилган инновацион гуруҳлар мавжуд 4 та илмий лаборатория 1 та ҳудудий синов тадқиқот маркази ва 4 та илмий корхоналар орқали фаолият олиб бормоқда.
  8. Самарқанд шаҳри реконструкцияси ишларига институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар томонидан кўплаб лойиҳа ва бадий безак ишлари амалга оширилган.
- Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

**Илмий кенгаш қарор қилади:**



### 3 – масала

#### **«Бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари миқёсида янги ўқув йилига доир ўқув меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тўғрисида» ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2012 йил 6 сентябрь 1/3 сонли қарори**

Илмий кенгаш кун тартибидаги **«Бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари миқёсида янги ўқув йилига доир ўқув меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тўғрисида»** ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **У.А.Соатовнинг** маърузасини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Институт ўқув бўлими, кафедраларида ва факультетларида янги ўқув йилига тайёргарлик борасида маълум ижобий ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Янги таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалари асосида ишчи ўқув режалари тузилди, 2012 йил 31 августдаги институт ўқув -услугий кенгашида кўриб чиқилиб тасдиқлаш учун илмий кенгашга тақдим этилди. Кафедраларда янги ўқув йили учун ўқув юкламалари тақсмоти ва штатлар жадвали аниқланди, бу ишлар ўқув бўлими томонидан қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Янги 2012-2013 ўқув йилида ҳам ўқув юкламалари ва штатлар жадвалига ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилди. Кафедраларда ўтиладиган фанларнинг давлат таълим стандартларига мослиги таҳлил қилинди ва тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бу йил ҳам 15 та бакалаврият таълим йўналишларига талабалар қабул қилинди ва улар учун ўқув жараёнини намунали ташкил этиш юзасидан ўқув бўлими кафедралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бормоқда. Институтнинг I ва II курс талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2011 йил 11-сентябрда тасдиқланган намунавий ўқув режалари асосида ишчи ўқув режалар ишлаб чиқилди. Намунавий ўқув режаларида кўрсатилган гуманитар ижтимоий – иқтисодий фанлар блоки соатлари таълим йўналишларида турли таянч олий таълим муассасаларида ишлаб чиқилганлиги ва бу блок соатлари ҳажмининг бир-бирига мос келмаслигига эътибор қаратган ҳолда, институт бўйича қабул қилинган 15 та таълим йўналишининг 11 тасига Тошкент архитектура қурилиш институти таянч олий таълим муассасаси эканлигини инобатга олиб, гуманитар ижтимоий – иқтисодий фанлар блоки соатларини унификациялаб **ТАҚИ да ишлаб чиқилган ўқув режа асосида** ўқитиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва илмий кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Барча таълим йўналишларида **“Математик ва табиий илмий фанлар”** блоки талаба танлов фани ҳисобидан **“Солиқлар ва солиққа тортиш”** фани киритилди. Хафталик ўқув юкламаларини сақлаган ҳолда қурилиш соҳаси таълим йўналишларида қатор ўзгартиришлар киритилди.

Кўп йиллик тажрибали профессор – ўқитувчиларнинг таклифлари ва кафедра йиғилишлари баённомаларига мувофиқ фанларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида баъзи бир фанларнинг намунавий ўқув режасида кўрсатилган семестрдаги ўринлари ўзгартирилди.

Институтда мавжуд барча таълим йўналишларининг III ва IV курс талабалари учун ишчи ўқув режаларидаги умумкасбий, ихтисослик, қўшимча фанлар блоки ҳисобида **5% гача** камайтирилганлиги эвазига Олий таълим вазирлигининг қатор буйруқлари асосида келган фанлар ишчи ўқув режаларга киритилди.

Кафедралардаги профессор – ўқитувчилар таркиби малакали ходимлар билан тўлдирилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Жорий йилда магистратура мутахассислигини тугатган 20 нафар магистрантлар мутахассислиги бўйича институтда фаолият кўрсатаётган кафедраларга ишга қабул қилинди. Институтда бу йил ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига эътибор қаратилмоқда.

Юқорида қайд этилган ижобий фикрлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Айниқса, асосий штатда ишловчи профессор – ўқитувчилар сонини ошириш, соатбай ва ўриндошлик асосида ишловчиларни ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг малакали мутахассисларидан таклиф этишга эътиборни қаратиш керак. Бу масалада албатта илмий салоҳиятга аҳамият бериш лозим.

Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. «Бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари миқёсида янги ўқув йилига доир ўқув меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тўғрисида» ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **У.А.Соатовнинг** маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Мавжуд бакалавриатура таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўзгартириш киритилиб ишлаб чиқилган ишчи ўқув режалари ва ўқув жараёни жадвали тасдиқлансин. **Масъул:** Ўқув бўлими.
3. Барча таълим йўналишларида гуманитар ижтимоий – иқтисодий фанлар блоки соатлари унификацияланиб, таянч Олий таълим муассасаси ТАҚИнинг намунавий ўқув режаси асосида ўқитилиши йўлга қўйилсин. **Масъуллар:** Ўқув бўлими ва факультет деканлари.
4. Кафедраларнинг янги ўқув йили учун тузилган ўқув юкламалари тақсимоти, штатлар жадвали мавжуд ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда тасдиқлансин ва кафедраларга тақдим этилсин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва ўқув бўлими. **Муддати:** Сентябрь 2012 йил.
5. Институтда профессор – ўқитувчиларнинг янги ўқув йили учун тузилган шахсий иш режаларини **2012 йил 10 сентябргача** тўлиқ расмийлаштириш чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва профессор – ўқитувчилари.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари проректори **У.А.Соатов** зиммасига юклатилсин.



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## **Ҳар хил масалалар.**

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

### **I. Маъруза машғулот (дарс) ларни ўтиш тўғрисида.**

**Эшитилди :**

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси мудири **М.М.Хидиров** томонидан “Қишлоқ архитектураси” кафедраси ўқитувчилари **Собир Камолов, Ўктам Маматқулов** ва **Лазиз Рахимовларга** кафедрада ўқитиладиган фанлардан **50 соатгача** маъруза дарсларини ўтишга рухсат сўраш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади :**

“Қишлоқ архитектураси” кафедраси ўқитувчилари **Собир Камолов, Ўктам Маматқулов** ва **Лазиз Рахимовларга** мазкур кафедрада ўқитиладиган фанлардан **50 соатгача** маъруза дарсларини ўтишга рухсат берилсин.

**Эшитилди :**

“Фалсафа” кафедраси мудири **А.И.Сафаров** томонидан “Фалсафа” кафедраси ўқитувчилари **Х.Х.Хўжамов, А.Т.Қўлдошев, Ш.Б.Азимов** ва **У.Т.Яздановларга** кафедрада ўқитиладиган фанлардан **50 соатгача** маъруза дарсларини ўтишга рухсат сўраш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади :**

“Фалсафа” кафедраси ўқитувчилари **Х.Х.Хўжамов, А.Т.Қўлдошев, Ш.Б.Азимов** ва **У.Т.Яздановларга** мазкур кафедрада ўқитиладиган фанлардан **50 соатгача** маъруза дарсларини ўтишга рухсат берилсин.

**II. 2012-2020 йилларга мўлжалланган Республика инновация лойиҳалари танловига тавсия этиш тўғрисида.**

**Эшитилди :**

Ўзбекистон Республикасида Фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини мувофиқлаштириш Қўмитаси томонидан 2013-2020 йилларга мўлжалланган илмий инновацион лойиҳалар танловида иштирок этиш учун Вазирликларга топширилган илмий йўналишлар ва улар билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйилган талаблар институт Илмий-техник Кенгашининг

